

**“АРФУЗ ЗАКИЙ ШАРҲИ СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ” АСАРИДА “ҲАСАН-САҲИХ”
ҲАДИСЛАРНИ ШАРҲЛАШДАГИ ЁНДОШУВЛАР**

Саидакбарова Нилуфар Саидазиз қизи
Тошкент ислом институти “Ҳадис ва Ислом тарихи”
кафедраси катта ўқитувчиси
93-591-67-77 Saidakbarovanilufar1@gmail.com

Abstract

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини келажак умматлар учун соғ-саломат етиб келишида муҳаддис уламоларнинг хизматлари беқиёс ҳамда таҳсинга сазовор. Ҳар бир ҳадис ўрганаётган мусулмоннинг зиммасида уларнинг ҳаққи бор, десак айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз. Хусусан, муҳаддис аллома Абу Исо ат-Термизий раҳматуллоҳи алайҳининг “Сунани Термизий” асарлари Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳадисларини ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан таълим беришда етакчилик қилади.

INTRODUCTION

“Тухфатул Аҳвазий шарҳи Сунани Термизий” китобида Қози Абу Бакр Арабий айтади: “Ҳадис китоблари ичида Абу Исоникидек ҳаловати ширин, нафосати жожибадор ҳамда хуштаъми бетакрори топилмайди. Унда 14 хил илм бор. Амал қилиш ва кўнгил хотиржамлигига ўта мосдир: “Санад келтирди; сахихларни кўрсатди ва заифларни ажратди; ҳадис йўлларини келтирди; жарҳ ва таъдил қилди; ровийларнинг исми ва кунясини аниқлади; узвий ва узилган санадни тартиблади. Амал қилинадигани ва тарк қилинадигани баён қилди. Уламоларнинг ихтилофи ўрин олгандир”.¹

Имом Термизий ўз асарида нафақат ҳадисларни жамлади, балки кейинги авлодлар учун ҳадис илмига оид қатор илмларнинг эшикларни очиб берди. “Сунани Термизий” асарида ҳадисларга берилган биргина “Ҳасан-сахих” даражаси муаллиф давридан то ҳозирги замонамиз олимларини илмий баҳслар ҳамда кўплаб изланишлар олиб боришларига туртки бўлди. Мазкур таърифни шарҳлаш, айнан Имом Термизий назарда тутган маънони аниқлаш йўлида кўплаб китоблар, рисоалар, шарҳлар ва илмий ишлар ёзилди. Олимларни ўйлантирган асосий савол қуйидагича бўлган: Имом Термизий бу икки иборани қўллаганда барча муҳаддислар йўлидан юрганми ёки ўзига хос янги истелоҳ жорий қилганми (таклиф қилганми)? Бунга кўра муҳаддислар билан Имомнинг таърифлари бироз фарқ қилган.

Муҳаддислар истелоҳида “сахих” ҳадис билан “ҳасан” ҳадис ўртасида фарқ бор. Саҳихнинг таърифи бундай:

هو ما اتصل بسنده بنقل العدل الضابط عن مثله من أوله إلى منتهاه من غير شذوذ ولا علة قاذرة²

¹ العرف الذكي شرح جامع الترمذي. عبد الله المعروف. ج-١. ص - ٥٧. ديوبند

² توضيح علم مصطلح الحديث الشريف. د. محيي الدين محمد عوامة. ص - ٤٤

“Зеҳни ўткир, одил кишилар нақл қилиб, санади бошидан то охиригача бир-бирига муттасил ёпишиб келган, ўзидан ишончли ривоятга зидлиги ва иллати топилмаган ҳадис – **саҳиҳ ҳадис**дир.

Ҳасан ҳадисга эса қуйидагича таъриф берганлар:

هو ما اتصل سنده بنقل العدل الضابط ضبطاً أخف من ضبط الصحيح من غير شذوذ ولا علة قاذرة³

Зеҳни (зобти) саҳиҳ ҳадис ровийсининг зобтидан пастроқ бўлган, одил кишилар нақл қилиб, санади бошидан то охиригача бир-бирига муттасил ёпишиб келган, ўзидан ишончли ривоятга зидлиги ва иллати топилмаган ҳадис – **ҳасан ҳадис**дир.

Таърифга кўра, саҳиҳ энг юқори мартаба, ҳасан эса ундан бир поғона паст туради. Ҳасан ҳадиснинг ровийсида забтнинг асли топилади, бироқ саҳиҳники каби мукамал бўлмайди. Бундан маълум бўладики, саҳиҳ билан ҳасан ўртасида фарқ бор. Демак, ҳасан ҳадис саҳиҳ бўла олмайди, саҳиҳ бўлган ҳадис ҳасан бўлмайди. Саҳиҳ бўлмоқчи бўлса, ровийнинг зеҳни пастроқ бўлиши керак. Шундай экан, Имом ат-Термизий раҳимаҳуллоҳ бир-бирига муҳолиф икки атамани нима учун жамлаб қўйдилар? Имом ат-Термизий раҳимаҳуллоҳнинг китобларидаги катта баҳслардан бири мана шу. Муҳаддис ва усули ҳадис олимлари томонидан бунга ҳар хил жавоблар берилган.⁴ Яъни Имом Термизий икки бир-бирига қарама-қарши иборани жамлаб қўйдилар. Бунинг моҳиятини тушунишда Имомнинг бу икки иборага муносабатларини билиш керак бўлади. Бу орқали икки зид ибора нисбий эътибордан жамланиши мумкинлиги ойдинлашади.

Термизий ҳазрат саҳиҳ ҳадис борасида муҳаддислар билан бир хил ҳадисни тушунганлар. Аммо, ҳасан борасида ундай эмас. Бу иборага ўзгача услубда ёндошиб, муҳаддислар таърифидан бошқа таърифни қўллаганлар.

Имом Термизийнинг айнан “ҳасан” иборасидан кўзлаган мақсадлари ўзларининг “Илал” китобларида баён қилинган:

وما ذكرنا في هذا الكتاب حديث حسن وإنما أردنا حسن إناده عندنا

كلّ حديث يروى لا يكون في إسناده ما يتهّم بالكذب ولا يكون حديث شاذاً و يروى من غير وجه نحو ذلك فهو عندنا حديث حسن⁵

“Ҳар бир ривоят қилинган ҳадис иснодида ёлғон билан муттаҳам бўлмаган кимса бўлмаса, ҳадиснинг ўзи шозз – якка ўзи ҳам бўлмаса, шунингдек, мана шу ҳадис бошқа йўл билан ҳам ривоят қилинган бўлса, ана ўша бизнинг наздимизда ҳасан ҳадисдир. Биз ушбу китобимизда ҳасан ҳадисни зикр қилганимизда, унинг иснодини ўзимизнинг наздимизда гўзал бўлганини ирода қилдик”.

Замонамиз олимларидан Абдуллоҳ Маъруфий ўзларининг 15 йиллик меҳнатлари самараси ўлароқ нашр этилган “Арфуз закий шарҳи Сунани Термизий” номли “Сунани Термизий”га ёзган 20 жилдлик шарҳларининг муқаддимасида “ҳасан-саҳиҳ” истелоҳини атрофлича баҳс қилган. Улуғ олимларнинг фикрлари, хулосаларини келтирган. Аҳамиятлиси, нусхаларни жамлаган ҳолда “ҳасан-саҳиҳ” ҳадислар ададини

³ توضيح علم مصطلح الحديث الشريف. د. محيي الدين محمد عوامة. ص - ٥٥٣

⁴ Аминов Ҳ. Исмоилов М. Абиев Ҳ. Абдуллаев Б. “Сунани Термизий шарҳи”. 2-Ж. Тошкент: Ирфоннашр. 2021. Б – 29-30.

⁵ كتاب العلل. عز الدين ضلي. عماد الطيار. ياسر حسن. ص - ١٢٩٥. مؤسسة الرسالة ناشرون

санаб, жадвалга солган. Айнан нима учун саҳиҳ ва нима эътибордан ҳасанлигини батафсил баён қилинган.

Маъруфий Имом Термизийнинг ҳасанга берган таърифини шарҳлаб, айтади: “Имомнинг “бизнинг наздимизда” дейишидан умумий муҳаддислар йўлидан юрмаганлари, ўзига хос услуб қўллаганини билдиради.

1. “Иснодида ёлғон билан муттаҳам бўлмаган кимса бўлмаса” иборасидан қуйидаги ровийлар ва ҳадисларни назарда тутганлар:

- сиқо ровийлар
- забти паст содуқ ровийлар
- ёлғон билан айбланмаган заиф ровийлар
- янглишиш ва хато қилиши билан танилган баъзи ҳифзи ёмон ровийлар
- жарҳи ҳам таъдили ҳам келтирилмаган мастур ровийлар
- жарҳ ҳам таъдил ҳам қилинган, бир томонга қатъий ҳукм қилинмаган ровийлар
- “аъаъана” билан ривоят қилувчи мудаллислар
- “ихтилот”дан кейин ривояти олинган ровийлар
- мунқотеъ ҳадислар (ҳасан таърифида муттасилликни шарт қилмаганлар, шозз бўлмаслигини ва санадлари кўплигини шарт қилганлар.)
- марфуъ ёки мавкуф; мавсул ёки мурсаллигида ихтилоф қилинган ҳадислар Имомнинг наздида ҳасан туркумига киради. Буни Ибн Ражаб Ҳанбалий ҳам “Илал”га ёзган шарҳларида, Ибн Ҳажар эса “Нуқат”да, Шамсиддин Саҳовий эса “Фатҳул муғис”да келтириб ўтганлар.

2. “Ҳадиснинг ўзи шозз – якка ўзи ҳам бўлмаса” иборасидаги шозз ҳақида уламоларнинг турли қарашлари бор. Бу ерда Имом Термизий Имом Шофеъий роҳимаҳуллоҳ айтган таърифни назарда тутган, яъни ровийнинг ривоятига ҳилофан бошқа сиқоларнинг Набий саллоллоҳу алайҳи васалламдан қилган ривоятлари бор бўлиши. Ибн Ражаб “Илал” шарҳида келтирганларидек, ғариб, мункар, зиддига саҳиҳ ҳадиси бор ривоятлардир.

3. “Мана шу ҳадис бошқа йўл билан ҳам ривоят қилинган бўлса” – айнан шу лафзда бўлмаса ҳам ўзига ўхшаш маънода бўлган, қуввати ўзига тенг ёки баланд бўлган, ўзидан кам бўлмаган ҳадисларнинг мавжудлиги назарда тутилган. Нафақат тобеъ ва шохидлар, балки бир ҳадиснинг битта тариқи бўлса ва ундаги хабар ёхуд амал табақама-табақа ўтиб келаётган бўлса ҳам, қўллаб-қувватловчи ҳадислар туркумига кириб кетаверади.

Таҳлил натижасига кўра, ҳасан Имомнинг наздида икки хил:

1. Ҳадиснинг ҳамма ровийлари сиқо ва ҳадиснинг бошқа йўллари билан қилинган ривоятлари ҳам мавжуд. Бу ҳадисга янада катта қувват бағишлайди.
2. Ҳадиснинг иснодида қандайдир камчилиги бор, бироқ ўнғловчи жиҳатлар билан ўнғланган, тўғирланган ҳадислар, масалан:
 - қандайдир қусури бор саҳиҳ ривоятлар, гарчи барча муҳаддислар буни қусур деб билмаслар ҳам.
 - “ҳасан ли-затиҳи” ўнғловчи жиҳатлар билан “саҳиҳ ли-ғойриҳи” даражасига чиқиб олган

- заиф, мунқотеъ ривоятлар қўллаб-қувватловчи жиҳатлар орқали “ҳасан ли-ғойриҳи” мартабасига кўтарилган ҳадислар.

Демак, Термизий ҳадисга ҳасан ҳукмини берганда одатда “ли-ғойриҳи”ни назарда тутган бўлади. Бу борада муҳаддислар билан бир бўлган ва фарқли бўлган жиҳатлари бор. Муҳаддислар тушунган “ҳасан ли-ғойриҳи” у киши наздида ҳам шундай. Лекин у кишининг наздидаги “ли-ғойриҳи”лар муҳаддислар таърифига тушмайди. Масалан, заиф ҳадисни қўллаб-қувватлашда мавқуф ривоятлар ва осорлардан ҳам фойдаланганлар. Бироқ, муҳаддислар фақат тобеъ ва шоҳид учун марфуъ ҳадисни шарт қилганлар. Бу жиҳатдан Термизийнинг иборалари уларникидан фарқли бўлиб қолади.⁶ “Бошқа йўллардан ривоят қилинган бўлиши” ибораси орқали Имом Термизий “ҳасан ли-ғойриҳи”ни ирода қилгани маълум бўлади. Чунки, “ли-ғойриҳи” аслида заиф ҳадислар бўлиб, кейин ҳасан даражасига кўтарилган. Қачон “ҳасан” сўзини мутлақ келтирсалар, қарина ёки бирор сифат қўшимча қилмаслар – “ҳасан ли-ғойриҳи”ни айтган бўладилар. Муҳаддислар эса, аксинча, мутлақ ишлатганда “ҳасан ли-затиҳи”ни тушунадилар. Термизий “ли-затиҳи” учун “ҳасан-ғариб” ёки шунга ўхшаш ибора билан ажратиб кетадилар. Чунки, Имом “ҳасан ли-затиҳи” машҳур ва мушкиласи бўлмагани учун ўз китобида “ҳасан ли-ғойриҳи” ҳадисларига катта аҳамият қаратган”.⁷

Термизий назарда тутган ҳасан ҳадисни англаш орқали мавзунинг асосий баҳси бўлган **“ҳасан-саҳиҳ”** иборасидаги мушкила ҳам ечилади.

“Ҳасан-саҳиҳ” ибораси ишлатилганда ўрнига қараб саҳиҳнинг икки тури ҳам келаверади. Имом Термизийнинг “ҳасан-саҳиҳ” деб ҳукм берган жами ҳадислари тахминан (нухалар фарқи эътиборидан) **1716** тадир.

1. “Саҳиҳ ли-затиҳи” – асли саҳиҳ бўлган ҳадис. Бошқа йўллардан қилинган ривоятлари эътиборидан “ҳасан” ҳадис. Яъни асли саҳиҳ, бошқа қўллаб санадлари билан ҳасан. Бир ҳадис ҳам саҳиҳ, ҳам ҳасан бўла олиши шу жиҳатдан ўринли. Бошқа санадлари бўлмаса, саҳиҳнинг ёнига ҳасан қўшилмайди. Зотан, ҳадиснинг саҳиҳ бўлишига қўшимча санадлар шарт ҳам қилинмайди. Демак, саҳиҳ ҳадисни “ҳасан”лиги янада қувватли қилади. Бу турга кирадиганлари – 482 та ҳадисни ташкил қилади.

2. “Саҳиҳ ли-ғойриҳи” – иснодида қандайдир қусури бор ҳадислар бўлиб, Термизий қатъий оҳангда “саҳиҳ” дейишдан эҳтиёт бўладилар ва диққат билан бошқа йўлларини излайдилар. Бошқа шу мазмундаги ҳадиснинг санадлари топилгач, ҳасан деб баҳо берадилар. Саҳиҳга кўтарилмай турган қусурли ҳадисларни қўллаб-қувватловчи ривоятлар орқали саҳиҳ даражасига олиб чиқадиладар. Яъни, асли “ҳасан ли-затиҳи” ҳадис ўнғловчи жиҳатлар билан “Саҳиҳ ли-ғойриҳи”га айланган. Шу эътибордан ҳадис ҳам саҳиҳ (ли ғойриҳи) ҳам ҳасан (бошқа санадлари борлиги жиҳатидан) бўлиши ҳақиқатга тўғри келаверади. Бу турдаги жами ҳадислар 1234 тадир.

Мана шу иккинчи йўл Имом Термизийга етган тухматлардан буюк муҳаддиснинг поклигини, ҳадис илмида нечоғлик моҳир эканини кўрсатади. Имомнинг хос

⁶ العرف الذكي شرح جامع الترمذي. عبد الله المعروفي. ج-١. ص - ٣٩٦ ديوبند

⁷ سنن الترمذي. عز الدين ضلي. عماد الطيار. ياسر حسن. ص - ١٠١ مؤسسة الرسالة ناشرون

истелоҳларидан беҳабар Носуриддин Албоний ҳамда Башшор Авводларнинг
“ҳадисларга енгил ҳукм беради” деган таъналари эса мутлақ асоссиз бўлиб чиқади!⁸

⁸ العرف الذكي شرح جامع الترمذي. عبد الله المعروفي. ج-١. ص - ٤٥٧ ديوبند